



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 46 (273)

2001 йил 14 ноябр, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 ноябр куни Оқсаройда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди.

— Жаҳондаги энг нуфузли ва қудратли молиявий ташкилотлардан саналган Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда амалга ошири-
лаётган иқтисодий ислохотларга салмоқли ҳисса қўшиб келаётир, деди давлатимиз раҳбари. — Мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу ташкилот бош қўшмаган бирор жабҳа ёки йирик бир лойиҳа йўқ ҳисоби. Ислом Каримов бундай ўзаро ҳамкорлик йилдан йилга

муштақамланиб бо- раётганидан мамнуният билдирди.
Айни пайтда Ўзбекистонда ЕТТБ иш- тирокида умумий қиймати 671,2 мил- лион АҚШ долларига тенг бўлган 14 лойи- ҳа амалга оширил- моқда. Улар мамла- катимиз иқтисодиёти- нинг турли жабҳала- ри, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни қўл- лаб-қувватлаш, са- ноат, банк ва савдо тизимларини тако- миллаштириш, шуни- нгдек, агроф муҳит вожлантириш, пахтани муҳофазасини яхши- қайта ишлаш ва са- лаш билан боғлиқ со- ноатнинг бошқа йўна- лашларида фаолият юритилади. Шунинг- билан 2001-2003 йил- ларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури дои- расида янги тузилажак лойиҳаларда ҳам ишти- рок этиш ниятида. Бун- да асосан мамлақати- миз иқтисодиётида ху- сусий сектор салмоғи- ни янада ошириш, ки- чик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, бо- зор ҳамда сайёҳлик инфратузилмаси, энер- гетика мажмуини ри-



(ЎЗА)

Шу ҳафтанинг расмий хабарларидан


12 НОЯБР

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутаты Нариаки Накаямани қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Япониядаги та- никли бу сиёсий арбоб мамлакатлари- миз ўртасидаги алоқаларни ривожлан- тиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётга- нини мамнуният билан таъкидлади.

● Шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа тикланиш ва та- раққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьер раҳбарлигидаги делегация аъзо- лари Ўзбекистон Бош вазирининг ўрин- босари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди. Музокара сўнггида ЕТТБ томонидан Ўзбекистондаги турли лойиҳалар учун кредитлар ажратилиши борасидаги бит- тимлар имзоланди.

● Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки / ЕТТБ/ ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фао- лият миллий банки ўртасида кредит ажра- тишни давом эттириш тўғрисида умумий бит- тим имзоланди.
Хужжатга Миллий банк бошқаруви раи- си Зайниддин Мирхўжаев ва ЕТТБ Прези- денти Жан Лемьер имзо чекди.
Ушбу битим савдо операцияларини қўл- лаб-қувватлаш соҳасида ЕТТБ ва Миллий банк ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмак беради.

**Омон бўл, ўғлим!
Унутма, сенинг
ҳимоянгда
Ватанинг,
халқинг!**



РАМАЗОН - МЕҲР-ШАФҚАТ ОЙИ

Бисмиллоҳир раҳмонир ра- ҳийм!
Аввало, барча ватандошла- римизга яқинлашиб келаётган Муборак Рамазони шариф му- борак бўлсин, деймиз.
Яратганга шукроналар бўл- синким, яна муқаддас Рама- зони шариф оий арафасида- миз.
Маълумки, рўзанинг фарз- лиги Қуръони карим, Пайғам- баримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни- нг ҳадислари ва ижмъо уммат

билан собит бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 183-оятда шундай марҳамат қилади:
Эй мўминлар! Тақволи бў- лишигиз учун сизлардан ил- гари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутин фарз қи- линди.
Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бир ҳадиси шарифла-

рида марҳамат қилиб: «Кимки рамазон ойида рўзанинг фарз- лигига ишонган ва Аллоҳ тао- лонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилди», - деди- лар.
Рамазони шариф тоат-ибо- дат, қут-барақа, бахт-саодат ойдир. Шунинг билан бирга иншоаллоҳ, бу ойда гуноҳлар ювилажак, тавба-тазарруълар, чин ихлос ва эътиқод ила қи-

Ҳожи Абдуразоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Жаҳон иқтисодиёти ва дип- ломатия университетининг ака- демик лицейида мамлакатимиз- даги академик лицейларнинг кадрлар тайёрлаш миллий дасту- рининг биринчи босқичидаги фаолиятига яқун ясаиб, иккин- чи босқичдаги вазифаларига ба- гишланган семинар-кеңаш бў- либ ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг раҳбари Ж.Хусанов маъруза қилди.

Ўртимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган мазкур миллий дастур асосида 1998-2000 йилларда 307 та янги турдаги замонавий таълим муас- сасаси барпо этилди. Шулардан 47 таси академик лицей ва 260 таси касб-ҳунар коллежидир. Уларни барпо этиш учун дав- лат бюджетидан 142 миллиард сўм маблағ ажратилди. Айтиш жоизки, мазкур билим маскан- лари замонавий ўқув жиҳозла- ри, техника воситалари билан таъминланган.

Семинарда академик ли- цейларда таълим сифатини юк- салтириш ва ўқитувчилар мала- касини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаш- тириш борасида фикр-мулоҳа- залар билдирилди, тегишли ама- лий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Муштақил юрт иқболи

ЧИНОЗ МЎЪЖИЗАСИ

Исон қўли билан яра- тилаётган мўъжиза шубҳасиз шу мўъжиза соҳиби ҳаёти фаровон- лигига ҳам хизмат қи- лади ва шундай бўлган- да унинг мўъжизавий қудрати янада ёрқин- роқдек туюлади.

Чинозда «Чиноз тўқима- чи» деб номланган ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси курилиши бошланганда бу ерда бутун станокларда меҳ- нат қилаётган чинозликлар ордан бир ярим йилча ва- қт ўтиб шу каби мўъжиза- вий шарт-шароитларда меҳ- нат қилишларини тасаввур ҳам қила олмасдилар.
2000 йилнинг апрел ойи- да курила бошлаган корхо- на 2001 йилнинг сентябри-



да яъни мамлакатимиз мус- тақиллигининг 10 йилли- ги тантаналари кунларида иш бошлади. Ишга тушган- дан икки ярим ой вақт ўт- масдан эса корхона дарвоза- лари олдида хориж юк ма- шиналари пайдо бўлди. Улар бу корхонанинг экспортга

тайёрланган маҳсулотларини олиб йўлга тушишди. Бизни қизиқтирадиган яна бир му- ҳим томони: 600 га яқин шу туман ва қўшни туман аҳо- лиси қўлай, шинам, ишлаш ўта кўнгилли бўлган шароит- да яхшигина даромад қилиб меҳнат қилишмоқда.
(Давоми 2- бетда)

МАҲАЛЛАМ

**Шу ердан бошланар ҳаётнинг боши,
Гўдак ҳам улғаяр, топар йўлини.
Қўшнилар бир-бирин эрур сирдоши,
Оғир кунда берар меҳрин, қўлини.
Дўстларинг бахтига бор бўл, маҳаллам,
Ҳар бирин дардига ўзингсан малҳам.**

**Ахлоқу одобдан сўзлайсан фақат,
Қинғир иш, жафолар буткул бегона.
Шул сабаб бу ерда бордир оқибат,
Сухбатлар доимо дилхуш, шарқона.
Қон қариндош яшар сенда, маҳаллам,
Оқибат туйфайли ўзингсан кўркам.**

Карим МУХТОРОВ

ШУ СОҢНИНГ

2-саҳифасида:

- Армонли, айроли ва доғули ўтмишдан бир лавҳа...
- Ёшлиқдан фароғатга имкон топилмаса, қарилқдан қидиринг, у албатта топилди!

3-саҳифасида:

- Келинликнинг маъноси қиммат либос кийишда эмас!
- Эккан кўчатларинг қуриб қолаверса бекор-да.
- Муқаддас ой арафасида...

4-саҳифасида:

- Унинг чизган суратлари ўзининг сийратидан сўйлайди.
- Қизил рангли «карточка»нинг ҳам ихтирочисси бор.

МАНАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00123-рақам билан рўйхатга
олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи»
ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Тажрият манзили:
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75,
ижодий бўлимлар — 136-53-
82,

Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25.

(Боши 1-бетда)

Корхона томон йўлимиз яқинлашар экан, биз мустақиллик берган яна бир имкон маҳсули бўлган корхонанинг белгиларини сеза бошлаймиз. Чунки йўллар анча раволашган. Бу йўлдан илдам-илдам чопқилаётган корхонанинг яп-янги автоуловлари корхона ишчиларига хизмат қилаётганини, онда-сонда бўлса-да учраб турган хориж юк машиналари яна бошқа кўнгилли янгиликларни ҳис эттиради. Корхонанинг ташқи томонидан кўриниши эса юрт гўзаллигини кўз-кўз қилади.



нат қилаётган қиз-жувонларнинг у ёқдан бу ёққа олиб қўяётган хомашё калава жойланган мосламалар оғир эмасмикин, деган ўйда уларга кўл теккизиб кўрамиз. Улар шу даражада энгилки, бармогингиз учи билан тегинсангиз бас, олдингизга тушиб йўрғалайди.

- Бугунгача корхонамизда 6 та цехда икки сменили иш давом этмоқда, - дейди корхона бош директори Ан-

рт маҳсулотларимиздан эса корхона ҳисобига маблағ келиб тушди. Кунни кеча 300 тонна халқаро талабларга мос-ип калава хорижга жўнатилади.

Биз корхона раҳбаридан мутахассисларнинг оз муддатда бу каби янги технологияни қандай қилиб ўзлаштириб олиш сабабларини сўрадик.

- Шуни эътироф этиш керакки, - дейди Анвар Бў-

сел» ва Япониянинг «Мишубиси» компаниялари улуши. Корхонада меҳнат ускуналари янгилаштиришдан бошлабқўйишга боғлиқ бўлиб, турк, япон мутахассислари билан бирга меҳнат қилишди. Ишга тушиш арафасида эса улар бу ускуналар сирини ўзлаштириб олишди.

Корхона лабораторияси ва цехлардаги компьютерлашган иш усули кишини лол қолдиради. Станок ёнида турган қизларимизнинг бу технологияни шу оз муддатда ўзлаштириб олишгани ҳам ҳайратланарли.

Кишини қувонтирадиган яна бир нарс: қўшма корхона юз фоиз юртимизда етиштирилаётган хомашё - пахта асосида ишлайди. Корхонанинг бутунги қудрати йилга 8 минг тонна сифатли тола талаб этади.

Корхона ҳозирги кунда Навоий, Бухоро вилоятлари далаларида етиштирилган пахта асосида фаолият кўрсатишти. Келажакда эса корхона ўз маҳсулоти сифати учун жон қойишти яъни юртимиздаги пахта тозалаш заводлари ва пахта етиштирувчи туманлар деҳқонлари билан келишувлар олиб бориши мумкин бўлади. Энг қувонарлиси, фақатгина пахта хомашёси базаси бўлган юртимизда шу хомашёдан маҳсулот етиштириш яъни ўз меҳнати маҳсулидан манфаатдорлиги оша бораётгани худди шу корхона мисолида ҳам кўринаётганлигидир.

Л. ТОШМУРОДОВ.
Суратларда:

«Чиноз тўқимачи» қўшма корхонаси раҳбари Анвар Бўриев илк бор экспорт қилинадиган маҳсулот билан; Пиликлар цехида.

ЧИНОЗ МЎЪЖИЗАСИ

қиб оласизки, ёп-ёруғ, топ-тоза бу масканга гард юк-тириб кетингиз келмайди.



Ҳатто ҳавога учган тола бўлаклари ҳам бир зумда корхонанинг ўзида мослашган ютқичлар орқали қайққа кетиб қолаётганини сезмайсиз ҳам. Ихчам, узларига ярашган иш кийимларида меҳ-

вар Бўриев. - Яна қўшимча равишда қурилаётган иншоотлар биттач эса, ишчи-

кентгилсоаноат» уюшмаси ҳисобига тўғри келади, қолган қисми эса хорижий ҳамкорларимиз - Туркиянинг «Бур-кентгилсоаноат» уюшмаси ҳисобига тўғри келади, қолган қисми эса хорижий ҳамкорларимиз - Туркиянинг «Бур-

кентгилсоаноат» уюшмаси ҳисобига тўғри келади, қолган қисми эса хорижий ҳамкорларимиз - Туркиянинг «Бур-

Муносабат: «Тўйда ҳам ислоҳот қилсак-чи?»

2001 йил 7 ноябр

FAT-FAT ҚИЛИБ ТҮЙ ҲАМ, ҚАТ-ҚАТ ҚАРЗНИ КИМ УЗАР?

Ҳар бир ўзбек оиласида фарзанд дунёга келгач яқин ният дея тўйда тарвадуд кўради. Йиллар давомида ирилган маблағ бир кунда яъни, ўша тўйда сарф бўлади. Тўй эгалари тўйда тушган тўёнлар, тўйда келган қазо-қазорани эслаб бир-икки кун фахрланиб ҳам юришади, ўтказган тўйи маҳаллада дув-дув гап бўлагани уни бироз кўнглини кўтаради. Лекин тўйи тўй десак, ўлим маросимларимиз-чи? Маърака аза маросимларидан дабдабозликни нима билан изоҳлаш мумкин?


Узатиладиган икки қизим, уйландиган бир ўғлимнинг муаммоси бошимни қотириб турганда отам тўсатдан вафот этдилар - дейди эътироф билан О. Исмли фуқаро. - Тўйда деб боқиб юрган новвосни сотиб, отамнинг маъракаларини ўтказдим. «Отангиз қандай бўрли одам эдилар. Тиловат қилаётган отинбуғига укангиз «кўки»дан ташлади, сиз ҳам бўлмангиз...» деб насиҳат қилишарди мента отиниёнинг дастурлари. Яна бир домла эса синглим келин бўлиб тушган маҳаллада яшар эди. У синглим орқали мента «хизматим эвазига қилинган ҳаётлар эскича китобларда кўрсатилган миқдорда бўлмасин...» дея «дуйисалом» йўллабди... Мақолада таъкидланганидек, маросим ўтказиш тизимини ҳаммадан олдин ўз қўлига оладиган қишлоқ маҳалла оқсоқоллари бироз эътирозимиз бор. Уларнинг маросимларга бош-қошиқлари жуда саз албат-

та. Лекин оқсоқол маросим ўтказувчининг аҳволини ҳисобга олиб иш тутса яқин бўлади. Моддий жиҳатдан қўйилиб қилинган тантананинг қувончию, маъраканинг сабоби қанчалик бўлади? Бизнинг фикримизни Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жағмараси вилоят бўлимининг раиси Аминжон Солиев ҳам тасдиқлади.

- Вилоятда 5 та шаҳарча, 95 та қишлоқ ва 812 маҳалла фуқаролар йиғини бор. Тўй-маъракаларни тартибга солиш ҳуусида мамлакатимиз Президент Фармони эълон қилингандан бундан ўтган уч йил ичида бирмунча ишлар қилинди. Дастлаб бу жараён анча ҳайрат келди. Манманлик, дабдабозлик халқимизга хос эмас, аслида. Лекин ҳамма кўнглик қолган «ёзилган тартиблардан биринчи бўлиб воз кечиб, айрим оғизга кучи етмаганларнинг маломатига қолшини ҳеч ким истамайди-да. Бу ўринда ҳар қандай маросимнинг хоҳ у тўй бўлсин, хоҳ маърака ихчам, камтарона ўтиши кўп жиҳатдан оқсоқолга боғлиқлигига мена алоҳида таъкидлашни ҳоҳлардим.

Дабдабозлик билан эмас, эзгу ишлар билан ном чиқариши не етсин!

Адҳамжон ОМОНБОВЕВ,
журналист,
Андижон.



Илк қадам

Фожиа НЬЮ-ЙОРК БОШИДАГИ ЯНГИ СИНОВ

Душанба кун Нью-Йорк шаҳрининг Рокүэй-Бич даҳасида «Америкэн эйрлайн» компаниясига қарашли «А-300» русумли самолёт ҳалокатга учради. 251 йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзоси бўлган самолёт бир қаватли кичик-кичик тураржой бинолари устига қулаб тушди. Воқеа содир бўлган жойда қутқарувчилар ишламоқда. Улар ҳозирча вайроналар остида 255 кишининг жасадини олиб чиқди. Нью-Йорк ҳокими Рудолф Жуланининг маълум қилишича, самолётдагиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган. Шунингдек, Рокүэй-Бичда яшовчи одамлардан ҳам 6-8 нафари бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда.

Самолёт қулаган жойдан иккита қора қути топилди. Уларнинг биринчиси самолётнинг техникавий ҳолатидаги ҳар қандай ўзгаришни, иккинчиси эса экипаж аъзоларининг хатти-ҳаракати ва сўзлашувларини қайд этиб боради. Қутилар текшириш учун Вашингтонга юнатилади.

АҚШдан келётган маълумотларга кўра, маҳаллий ҳокимият, бу фожиа террорчилик ҳаракати натижасида содир бўлмаган, деган фикрда. Чунки террорчилар томонидан бирор пўписа бўлмаган, ердати парвозни бошқариш хизмати ҳам экипаж билан мулоқот чоғида таҳлика оҳангини сезмаган.

Шундай эса-да, ҳалокат гувоҳларининг гаплари мутахассисларни уйлантириб қўяпти. Гап шундаки, самолётнинг бир мотори алоҳида узилиб тушган. Бир неча километр нарида, ҳатто денгизга ҳам самолёт қолдиқлари топилмоқда.

Бундан ташқари, келатган хабарларга кўра, самолёт кулашдан олдин денгизга ёқилиб тўққан. Одатда учувчилар самолётда жиддий носозлик юз бергандагина шундай йўл туталди. Лекин носозлик ҳақида ердаги тегишли хизматларга хабар берилмагани таажубланарлидир.

Маълумотларга қараганда, 1988 йили фойдаланишга топширилган самолёт 1995, 1996 ва 1999 йилларда техникавий сабабларга кўра парвозни тўхтаган. Ушундан унинг ичи тутган экан.

Кейинчалик самолётнинг айрим эҳтиёт қисмлари эскиргани, баъзи жойлари зангалагани аниқланган ва бу камчиликларнинг ҳаммаси бартараф этилган.

Бу сафар Доминикана Республикасига йўл олган «А-300» бошқа самолётлар каби яхши-лаб текширилган ва носозлик қайд этилмагани сабабли парвозга рухсат олган эди. Аммо у ҳавога кўтарилиб, орадан тўрт лақиқа ўтга, ерга қулаб тушди.

Натижада 260 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бир неча киши бедарак йўқолди.

АҚШ Президенти Жорж Буш ушбу воқеа муносабати билан баёнот бериб, Нью-Йоркликлар ҳаминша тақдир синовларига бардош бериб келганини, бу фожиа асоратларини енгиши ҳам ўзига жасорат топилгани айтиди.

Нью-Йоркдаги ҳалокат бир зумда Фарб мамлакатлари биржасида ақс-сабо берди. АҚШ авиакомпанияларининг қиммати қозғолири 5-10 фоиз арзонлашди, Европадагилар - 5-6 фоизгача.

Бошқа компаниялар акциялари ҳам бирмунча қирқисланди. Сармоядорлар, катта-катта молиявий воясатлар эгалари ўз маблағларини олтига урмоқда. Натижада олтин баҳоси ўн фоиз ошди. Уш маблағларини Швейцария франки ва еврога алмаштириётганлар ҳам йўқ эмас.

Мутахассисларнинг фикрича, биржалар жаҳон иқтисодиётидаги пайсийишдан саросимага тушиб қолгани боис Нью-Йоркдаги фожиага шундай муносабат билдирилди. Лекин ҳалокат сабаблари аниқлашгандан кейин биржалардаги ҳаёт яна изга тушиб кетиши аниқ.

Омон ШУКУР,
Сайид ОЛИМ.

Анвар БОБОВЕВ,
УЗА шарҳловчиси.

Қатоғон қурбонлари

Яқин ўтмишни айтаман: ажаб армонли, айроли ва доғули бўлган-да. Биз буларни эшитибгина ёқамизни ушлаймиз.

Қайдан, тахшунда йилнинг йўлорни босмаганнинг филди-рақлари шу зайл из қолдирмаган бўлганда эди. Ҳеч бўлмаса, кўрган, билган одамлар ўша кунлар ҳақида афсус билан гапирмас эди. Йўқ, Зеро, икки нарса абадий хотирада қолади: энг даҳшатли ёмонлик ёхуд унинг акси бўлган яхшилик.

Афсус, бундан 50-60 йиллар муқаддам ўтган замонлар ҳақида гап кетганда чеҳралар ўзгаради, надомат тусини олади. Зангиоталик Ҳошим, Соиб ва Қосим Ашуровларнинг қисмати бундан алаянчироқ, афсусли, надоматлироқ яқун топган.




ҚИСМАТДОШ ОҒА-ИНИЛАР

Президентимизнинг шу йил 1 майдаги «Қатоғон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонида шундай сўзлар бор: «Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий аъналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади».

Анча вақтдан бундан шундай қатоғон этилганларнинг аччиқ қисматини қаламга олаётган ҲОЛИДА АХРОРОВАнинг навбатдаги мақоласи ҳам шу ҳақда.

Оғаларнинг

тўнғичи Ҳошим бобо 63 ёшга етгунга қадар кўрмаган кўргулигини шу ёшга кирганда кўрди. 1941 йилнинг кузида уни ҳибс қилдилар ва унга «Шуронинг душмани» деган маҳрум этиш ҳукми белги-



моқ, уч йилдан ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳукми белги-

ланди.

Ҳайратланарлиси, Ҳошим Ашуровга белгиланган жазо тушунарли, унинг умри фораг этилди. Аммо негидир 10 йилдан қамоқ жазосини олган икки инининг ҳам тақдири шу кундан сўнг нон маълумлигича қолди.

...1992 йил 28 февралда Тошкент вилоят суди 1941 йил 23 октябрдаги оғаниларга айбнома эълон қилган Суднинг ҳукми ноурин ва ноқонуний бўлганлигини исбот қилди. Тўғри, ҳукм ижро бўлган, инсон умри фораг этилган. Аммо ҳар нечук покиза номлар оқланди. Энг муҳими айбсиз айбдорларнинг фарзандлари қалбидаги 60 йиллик армон ушалди, диллари таскин топди.

Орадан уч ой вақт ўтиб, укалари Соиб ва Қосимлар ҳам ҳибс этилди. Тўнғичи олий жазага ҳукм қилдилар. Бор будини тортиб олдилар. Соиб ва Қосимларга 10 йилдан қалмақ, уч йилдан ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳукми белги-

Ҳолида АХРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Афғонистон воқеалари: ЎЗА мухбирлари хабар беради

ҚОБУЛ ЖАНГСИЗ ОЛИНДИ

Термиз дарё портинда турли мамлакатлардан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини нариги соҳилга - Афғонистонга ўтказиш боғланди.

Афғонистонда шиддатли жанглардан кейин Бирлашган фронт қўшинлари талай шаҳарларни эгаллаб, душанба кунини тунга яқин пойтахт Қобул остонасига етиб келганли. Бирок, Ҳиндистон радиоси тўрқатган хабарларга кўра, аксилтолиб кучлар сешанба кунини эрталаб Қобулга кирган. Бирлашган фронтнинг баъзи илгор гуруҳлари шаҳар марказигача етиб борди. Улар ҳеч қандай қаршиликка учрамади. Ишонч билан қўшнилар хабар беришча, сешанба кунини Қобул кўчаларида толибларнинг жангчилари кўринмаган. Шаҳардаги маъмурий бинолар бўм-бўш. Ҳатто Қобул қамоқхонасида соқчи қўлмаган. Маҳаллий аҳоли вакилларининг сўзларига қараганда, тунда толибларнинг танк, зирдли техника ва автоматшарналардан иборат карвони мамлакат жанубига қараб йўл олган.

моқда. Машиналар аксилтолиб кучларнинг сентябр ойда қўпурувчилик туфайли ҳалок бўлган саркардаси Аҳмадшоҳ Масъуд сурати билан безатилган.

Шундай қилиб, пойтахт аксилтолиб кучлар томонидан эгалланди. Чунки толибларнинг қутилмаганда шаҳарни жангсиз ташлаб қочиши вазиятни кескин ўзгаришти юборди. «Ал-Жазира» телеканалнинг хабар беришича, аксилтолиб кучлар пойтахтни эгаллагач, мамлакат шарқидида Жалолобод шаҳрига қараб юриш бошлаган. Бу шаҳар толибларни Покистон чегарасига олиб чиқувчи асосий йўл билан боғлайди. Шунингдек, Жалолободда Усома бин Лодин раҳбарлигидаги «Ал-Қоида» гуруҳининг машқ лагерлари бор.

Шимолий альянс Афғонистонни Эрон билан боғловчи Нимроз вилоятини ҳам қўлга киритди. Яқин кунларда Фараҳ вилояти тўла эгалланиши айтилмоқда. Ушундан мамлакат фарби аксилтолиб кучлар назоратига тўла ўтди. Қолаверса, сешанба кунини тунга толибларнинг охириги истеҳкомини - Қандаҳор шаҳри аэропорти ҳам эгаллангани ҳақида хабар тарқалди.

Баржалар нариги соҳилга йўл олди

Иккита баржага 400 тонна ун юкланди. Юклар Хайротон портга етказиб берилади. Термиз дарё портдан ҳар ойда 16 минг тонна инсонпарварлик юки жўнатилади. Инсонпарварлик ёрдамини баржаларга юклаш пайтида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари қатнашди.

Чори Тўхтаев.

Саидмурод РАҲИМОВ.

ЛИБОС МАШМАШАСИ... ОЧЛИКНИНГ ЎЗИ ТАКВО ЭМАС... КЎЧА ОБОД — ЮРТ ОБОД...

Зариф бобони ҳеч қачон бундай газаб ўтида ёнган ҳолда учратмагандим. Кекса бўлса-да ҳаммаша кувоқ кайфиятда юрадиган кишининг бу аҳволидан ҳайратга тушибди.

Атрофга назар ташлашни унутганлигидан бизга яқинлашганини ҳам сезмай қолди чол. Уни тўхтаб, яхши гаплар билан кўнглини бироз бўлса-да кўтаришга интидди. Аммо... Анча вақт у ёқ бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирганимиздан сўнг ичи бироз ёришди, отахоннинг.

Девона десанг, ақли жойида. Ёш десанг, уч-тўрт боланинг онаси. Қилдиган иши эса сира ақлга сиймайди.

Нега бунчалик оҳингиздан дуд чиқапти, тинчликми ўзи? — сўраймиш ундан.

Тўнғичим Хурсандой шу ерда. Исонтмаси кўтарилиб кетибди. Тунов кунли келиб касаллигига ишонмадим. Эгнида бозорда нархи фалон сўм турадиган халат. Икки кўла кўша-кўша олтин билан куяклар, куюкда марварид ҳалқа... Табва, бу ерга кийимларини, бойлигини кўз-кўз қилгани келганими? Ахир бу театр ҳам, ширк ҳам бўлмаса, касалхона-ку. Бу ерда бировлар оҳвоқ чекиб, дардан азоб чекиб ётса-ю, бу...

Бугун келсам яна бир турда товлиниб чиқдилар ҳузуримга. Энди бошқача кийим-бош, зебу зийнат. Ўзимни сира тугиб тура олмадим. Ҳазабимни боса олмадим. Қўлимга эрк бериб... Эссиз менинг тунов кунги насихатларим. Одамнинг ўзида фаросат етишмаса кийин экан.

Отахонни юмшатишга юмшатишга, унинг эътирозлари ҳақи эканини тан олди. Дарҳақиқат, ўрнини билмай, азда ҳам тўйлагидек безаниб, бойлигини кўз-кўз қилиб товлиниб юрадиган қиз-жувонлар кўпайиб бораётти, койинги пайтларда. Ҳатто мактаблардаги баъзи юқори синф ўқувчиларини катталардан фарқлаб бўлмай қолди, бугун. Майли кийиншин, лексин эви, мавриди билан-да.

Хотира кунларининг биринида ўтганларни эслаш, улар руҳида Куръон тиловат қилмоқ ниятида қабристонга бордик. Табва баъзи қизлар, келинчақлар шунчалар безаниб, такинчоқлар осиб олишганки... Савол туғилади, нега, қандай мақсадда келдинг, мазорота?

Шу ўрнида яна бир, бизнингча тўғри ва жуда ҳақли эътироз. Кўчалардагина эмас, зиёрат жойларида хижоба кирган баъзи хотин-қизларни учратамиз. Улар

юз-кўзларини беркитиб олишган. Эгниларида эса ниҳоятда калта юбка, чоки йиртиқ кўйлак. Буни қандай тушунмоқ керак? Бу мусулмончиликнинг қайси шартларига тўғри келади?

Аёлларимиз азалдан ишни ҳам, кийинини ҳам қойиллатганлар. Шунинг билан бирга ҳаммаси: кийиниш, пардоз-андоз, ўсма-сурманнинг барчаси ўз ўрнида бўлган, мезёридан ошмаган. Айни вақтда хотин-қизларнинг шундай ўтиришлари-«гап»лари бўладики, соғдан.

Эрталабгача чироқ ўчмади, эшик очилмади, овоз чиқмади. Бир қор-қол бўлмасин, деб эшикни бузиб ичкарига кирган ака-сингиллар унинг шифта осланган жасadini кўриб, дод соқдилар.

Тўй азага, келинлик гушангаси қафанга айланди.

ЛИБОС

У жондан азиз, шарм-ҳаёдан афзалми?

лиқлари, ишлари, рўзгорлари, бола-чақаларининг ўқишлари у ёқда қолиб, бир-бирларининг кийимлари ярашиб тушгани, матоси-ю, тикувчи устасини мақташдан нарига ўтмайди.

Хатта айрим либослар билан боғлиқ воқеалар, ҳодисалар, фожеаларга ақл сира бовар қилмайди. Маана улардан бири:

Шукуржонга Аллоҳ тўрт ўғил насиб этди. Ақлли, хушли бўлиб вояга етишди улар. Ўқишди, устига турли хунарларни эгаллашди. Вақти-соати етгач, Шавкатжон билан Шуҳратжонга муносиб қизлар танлашди. Қудаларнинг розилиги билан ака-укаларнинг никоҳ тўйлари бир кунда ўтатилади. Аммо икки кун қолганда бутун хурсандчилик қудатга, тўй азага айланди. Кичик ўғил Шуҳратжонга рафиқа деб танланган қиз Нигорахон қишлоқдан, бир этак болачақали, қўл учидан кун ке-чиришадган оилада яшарди. Иккинчи кунда бўлиш эса шаҳарлик, ўзига тўқ, бадавлат кишилардан эди. Фотиҳа тўйи ўтгандан кейин бўлажак овсин қизлар ўзаро танишиб олишган, тўй кунини ҳатто ундан кейинги турмуш, орзулари ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашарди. Шундай гурунлардан бирида гап никоҳдан ўтиш кунидеги либос ҳақида борди. Улар ҳамма қатори европача тикилган узун, оқ паҳмоқ

кўйлақлардан кийишадиган бўлишди улар. Нигорахон бу истакларини ниҳоятда хурсандчилик билан ойжонисига айтди. Онаси дадасига маслаҳат солди. Шундай ҳам тўй харажатларини ўйлаб хуноби ошиб турган отага бу анчайин малол ботди.

— Қизингга айт, онаси, кўпам ҳадидан ошавермасин. Кўнгил кўр — ҳар нарсани тилайверди. Бўй-бастига лойиқ сарполар келди. Истаганини танлаб кияверсин никоҳ кунини.

— Менам шу фикрдаману, аммо қизгина тушмагур дугонам оқ паридек бўлиб юрса, мен унинг олдида алмисокдан қолган қадимий кийимлар билан судралиб юраманми, — деб хархаша қиялпти.

— Суриштириб билдим, бир неча соатгина кийилдиган ўша келин кийимла-

сингиллари ҳам кувёга тайёр бўлиб туришганини тушунтирди. Қизгина аҳволни, ота гуссасини сира англамади.

— Хоҳласанг шу, бўлмасан... — деди ота даргазаб бўлиб. Ади-бади кечгача давом этди. Нигорахон йиғлаб ўз хонасига кириб кетганча қайтиб чиқмади. Онаси, сингиллари бир неча бор эшик-дераза тирқишларидан ҳар гап мўралаб, ҳаммаша унинг бошини билаклари устига қўйиб, беркитганича ёнган аҳволда кўрди-лар.

Эрталабгача чироқ ўчмади, эшик очилмади, овоз чиқмади. Бир қор-қол бўлмасин, деб эшикни бузиб ичкарига кирган ака-сингиллар унинг шифта осланган жасadini кўриб, дод соқдилар.

Тўй азага, келинлик гушангаси қафанга айланди.

Тошкент

ПОЙТАХТ ҲУСНИ: У ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЮЗИМИЗДИР

— Дарҳақиқат, — дейди у киши. — «Жарима солинадиган ёзуви ибид кўйган билан бир иш чиқмапти. Чунки эндиликда маҳаллаларда аввалги маъмурий комиссиялар йўқ. Бўлганда ҳам самарасини деярли ҳеч ким сезмаган. Шунданми, бунини кўзга кўриш ва кўча-кўчаларни шунчаки кўрқитиш

— Бўлмасам-чи! Ҳадиси шарифда «Кўлингизда бир кўчак турган паллада қиёмат қойим бошланиб қолса ҳам уни экиб кетинг», дейилган. Шунданми, Тошкент шаҳар ҳокимининг «25 октябрдан — 25 ноябргача Атроф-муҳитни ободлаштириш ва кўчаларни янгилаштириш ойл�гини ўт-

ки кўпгина ариқлар кўмилиб кетган. Шу боис ҳам ўтказилган дархат кўчаларни сувсизликдан қуриб қолмоқда. Бу билинчидан. Иккинчидан, кўпича мактаб болалари томонидан ёш ниҳолларни синдириб ташлаш ҳоллари учраб туради. Сугориш масаласида гап

Маҳаллаларда озодгарчиликка эришиш хусусан, белгиланмаган жойларга ахлат тўкишининг олдини олиш учун яқин-яқинларда ҳам мана бу усул кўпроқ қўлланилади: «Ахлат ташламагач, жарима ... сўм». Бироқ, айни шу ёзувининг ости чиқиндилар билан тўлиб ётганига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Яқинда Тошкент шаҳар маҳаллаларининг бирида мана бу ажабтоевур ёзувини учратиб қолдик. Унда шу атрофга ахлат тўккан шахсининг шаймонсизлиги эътироф этилган эди. Табиийки атроф топ-тоза эди. Кўнглимизда «Бунини бошқа маҳаллаларда ҳам қўлласан бўлмасми?» деган фикр пайдо бўлди, — дейди суҳбатдошимиз. Умуман Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенашини, «Маҳалла жамоғармиси шаҳар бўлими раиси Авзамжон Гадоёбоев билан суҳбат шу мавзуга алоқадор бўлди.

эканлигини сезиб турибди. Айниқса, болалар. Зеро, ота-она кўпича ахлат четлаки фарзандларнинг қўлига тутқазди. Оқибатда бола бола-да, ўз билганини қилди. Хуллас, бу ҳолга чек қўйилган, энг мақбул усул қўлланиладиган пайт келгандек туюлди. Кўпбал кайвони оқсоқоллар, дин уламолари билан кенашиб килишарининг озодгарчиликка эришишнинг ошадиган роъйи усуллари ҳам қўлланылмиш. Бу ўз самарасини берапти.

— Демак, одамлар ёмон сўзлаб кўрса бошлайдилар-да?

— Шунга ўхшашроқ. Энг муҳими, диёнат кишилар қалбидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Кўпчилик, наинки бировнинг ҳақидан кўрқиб, балки иймонли ва эътиқодлиликнинг бошқа шартларини ҳам тушуниб ета бошладилар.

— Бу ҳол ободлаштириш ва кўчаларни янгилаштириш бора-бор ҳаракатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатяптими?



казиш тўғрисида»ги қарорини ҳамшаҳарларимиз кўтаринчилик билан бажаришмоқда. Унда 444 та маҳалла аҳлининг барчаси иштирок этаётди. Шаҳар бўйича 6750 та манзарали, 4550 та мевали, 25500 та терак, 31500 та бутта, жами 68300 та кўчак ўтказиш белгиланган эди. Бу иш ҳозирга қадар орғини билан уюлданди. Кўчалар, йўлақлар ахлат уюмларидан тозаланди.

кетганда кўпчилик шу пайтга қадар хонадонларга уланган тоза ичимлик сувидан фойдаланарди. Энди эса аксари жумракларга ҳисоблангилар ўрнатилган. Шунданми, хонадон эгалари қайсида маънода тежамкорлик қилишмоқда.

Лекин Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бу борада тегишли чоралар қўлланилмаяпти. Бу ўринда оқилона табирилар йўлга қўйилиши кўтиermoқда.

Тозалик — хонадонга барака келтиради, — деган ақилда амал қиламиз, маҳалламиз, юртимизга келиши лозим бўлган барака тўғрисида ўйлаб ҳам кўр-маемиз.

Азиз ҳамюртлар, маҳаллаларимиздаги отахонлар онахонлар, маҳалла оқсоқоллари келинг бу ишга ҳаммамиз баҳам-жиҳат бўлиб киришайлик. Фарзандларимиз камоли учун, улар саломатлиги учун маҳаллаларимиз обод бўлишига ҳисса қўришайлик. Зеро, озодалик саломатлик учун ҳам гаровдир.

Мухбиримиз суҳбатлашди.

РАМАЗОН МЕҲР-ШАФҚАТ ОЙИ

Боши 1-бетда
Бу ойда рўздор фақатгина оч-ташна қолиш билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ҳаракатлари ўта хушёр, хушмуомал ва нафосининг ҳошиятига кўл бўлишдан саклана оладиган, жасадига ҳокимлик қилгани бўлмоғи лозим. Яна муҳтожларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, беморларга ўзининг қўли қўри, меҳри тафти ила қарашли даркор. Рўздорнинг рўзаси мукамал бўлмоғи учун унинг ёлгон сўзлаши, бировларни яғво ва бўҳтон қилиши, ноилоҳий сўзлар ила ўзгалар дилини оғритиши асло муҳим эмас. Бу борада пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: «Қайси рўздор олам ёлгон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, улай кишининг фақат ёши-ичи-шигини тарк этиб қорини Аллоҳ муҳтоҳ эмас» — деб марҳамат қилдилар.

Исломи дини барча муслмон аҳлини ўзаро дўстлик, халқлар билан тинч-тотув янаша, бошқа дин вакилларига нисбатан таъбиқ ўтказмаслик ва ула динларга ҳурмат кўрсатишга чакирди.

Уз навбатига кўпбал алломаларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғинобий ва Имом Мотуридиддиннинг хотираси тикланди. Уларнинг муборак ҳоқлари ёнган ерлар зиёратгоҳларга айлантирилди. Рамазон ойининг фазлу барокати қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айланди. Чунки бу ой — покляниш ойи, у айна ҳоюда рўздорнинг бир-бирларига ҳурмат ва эътиборини янада зиёда қилди. Бу муборак ойда муслмонлар табаррук отахон-онахонларга иймон, ёшларга тафвиқ ва рушду ҳидоят тилашди, қариндошлари, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Мана шундай хайрли ишлар бу кунларда ҳар бир эзгу ниятли кишининг қўли эҳтиёсига айланди. Бу ойда бироз сабабга кўра аралашган, гина-қудратли таниш-билишлар ҳам бир-бирларига кўчак оналдилар. Чунки кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир муслмон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Мўмин муслмонлар Рамазон ойидагина эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўлган муомалая муносабатларини яхши қилмоқдирлар керак. Саховатпеша кишиларимиз муҳтоҳ одамларга, мисқини фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқдирлар даркор.

Бу йилги Рамазон ойининг таровати ўзгача. У покляк ва саховат рами сифатида янги асрнинг илк йилида бошланмоқда.

Рамазонини шариф муносабати билан барча юртдошларимизни чин дилдан мубораклоб этиб, она Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлигини бардавом бўлишини, халқ оёсийишалигини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

1422 ҲИЖРИЙ ЙИЛ УЧУН РАМАЗОН ТАҚВИМИ

Рўза тутиш (Оғиз ёпиш) дуоси	Рамазон	ноябр декабр	ҳафта кунлари	саҳарлик туғани	ифтор вақти
Навайтун асума сова шаҳри ромозана минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи тавъала. Аллоху акбар.	1	16	ЖУМА	5:28	17:07
Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун боттугача тутмоқни ният қилдим. Холис Аллох учун. Аллоху акбар.	2	17	шанба	5:29	17:06
ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) ДУОСИ	3	18	якшанба	5:31	17:05
Аллохумма лака сумту ва бика аманту ва ыалайка таваккалту ва ыала ризика афторту, фағфирли йа ўоффару ма қоддамту ва ма аххорту.	4	19	душанба	5:32	17:04
Яъни: Эй Аллох, ушбу рўзамини фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризик билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилувчи Зот, менинг аввали ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин.	5	20	сешанба	5:33	17:04
	6	21	чоршанба	5:34	17:03
	7	22	пайшанба	5:35	17:02
	8	23	ЖУМА	5:36	17:02
	9	24	шанба	5:38	17:01
	10	25	якшанба	5:39	17:01
	11	26	душанба	5:40	17:00
	12	27	сешанба	5:41	17:00
	13	28	чоршанба	5:42	16:59
	14	29	пайшанба	5:43	16:59
	15	30	ЖУМА	5:44	16:59
	16	1	шанба	5:45	16:58
	17	2	якшанба	5:46	16:58
	18	3	душанба	5:47	16:58
	19	4	сешанба	5:48	16:58
	20	5	чоршанба	5:49	16:58
	21	6	пайшанба	5:50	16:58
	22	7	ЖУМА	5:51	16:57
	23	8	шанба	5:52	16:57
	24	9	якшанба	5:53	16:57
	25	10	душанба	5:54	16:57
	26	11	сешанба	5:55	16:58
	27	12	чоршанба	5:56	16:58
	28	13	пайшанба	5:56	16:58
	29	14	ЖУМА	5:57	16:58
	30	15	шанба	5:58	16:58

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобидан): Аввал: Кўқон-7, Наманган-10, Фаргона-10, Андижон-12. Кейин: Жиззах+6, Гулистон+7, Бекobod+7, Денoв+7, Жомoй+7, Самарканд+9, Шаҳрисабoв+10, Каттақўрoн+12, Қарши+11, Нурoта+14, Навoй+19, Бухорo+21, Хива+35

Хоразм

МАЖМУА ИШГА ТУШДИ

Яқинда Урганч шаҳридаги 3-сонли маҳаллада йирик спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Спорт маскани маҳаллада жойлашган Урганч дорилфунунига қарашлидир.

Ушбу йирик комплекс икки йил мобайнида бунёд этилди. Уни қуришда бюджетдан ташқари ҳомиёлар ҳам катта миқдорда ёрдам беришди. Жумладан, урганчлик моҳир тadbиркор Хударган Нарфуллаев спорт мажмуасига энг замонавий спорт анжомларини сотиб олиб берди.

Бу ерда спортнинг баскетбол, волейбол, бокс, эркин кураш, стол теннисей каби 14 та тури билан шугулланиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Маскан дам олиш, кийиниш хоналаридан ташқари чўмилиш бассейнига эга.

Спорт мажмуаси ҳозирнинг ўзидаёқ 400 нафардан зиёд ёш спортчиларни ўз бағрига олди. Унда талабалар билан биргаликда маҳалла ёшлари ҳам спорт билан шугулланиаяптилар.

Қодир МУЛЛАЕВ.

Абонементи тўғри тўлдирганингизни текширинг

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак. Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ХАЛҚ Донишманлиги, КЕКСА АВЛОА ТАЖРИБАСИ, МАҲАЛЛА ҲАЁТИНИНГ Ойнаси

МАҲАЛЛА

БИЛАН БИРГА БЎЛИНГИ

